

2024-yil  
24-dekabr  
seshanba  
№155-156  
(5064)

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Дўст ёмон кунда  
билинади, дейи-  
шади. Менимча,  
уларнинг қан-  
дайлиги  
яхши  
кунда ҳам  
билинади.



Чингиз АЙТМАТОВ

## ЎЗБЕКИСТОН – ҚИРҒИЗИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ: ҲАМЖОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСКИЧИ



Қирғизистон касаба уюшмалари  
Федерацияси раиси  
Мурадил Жумадилов улу  
раҳбарлигидаги делегация  
мамлакатимизда бўлиб турибди

Тўлиқ 4-саҳифада танишинг



### Куннинг муҳим воқеалари

Президент Шавкат Мирзиёев 23 декабрь кунини Қорақалпоғистон Республикасида қўшимча имкониятларни ишга солиш, инвестицияни кўпайтириш ва аҳоли бандлигини ошириш бўйича 2025 йилдаги устувор вазифалар юзасидан йўналиш ўтказди.

Президентнинг «Худудларда юқори иқтисодий ўсиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш ҳамда бу борала маҳаллий ҳокимликларнинг роли ва масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари «Қураш миллий спорт турини ривожлантириш ва оммалаштиришни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

Хукумат қарори билан «2025-2027 йилларда давлат харидлари тизимини тақомиллаштириш ва ривожлантириш стратегияси» тасдиқланди.

Ўзбекистон элчихонаси ташаббуси билан Корея ижтимоий ишчилар уюшмаси (Korea Social Workers Association) раҳбари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш юзасидан музокаралар ўтказилди.

Учрашувда Ўзбекистоннинг ижтимоий йўналишда олиб бораётган сиёсати, жумладан, жамиятнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, ижтимоий хизматлар кўрсатиш, ижтимоий масалаларни ҳал қилишга қаратилган давлат органлари фаолияти тўғрисида батафсил маълумот берилди.

## БОШ КЕНГАШ МАЖЛИСИ: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бош кенгашининг IX мажлиси бўлиб ўтди

Тўлиқ 3-саҳифада танишинг

## ИЖРОИЯ ҚЎМИТАНИНГ 13-МАЖЛИСИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитасининг 13-мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмасига аъзо ташкилотларда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини устидан амалга оширилган жамоатчилик назорати, Федерациянинг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари ҳамда тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари иштирокида тузилган жамоа келишувларнинг мазмуни ва бажарилиши, Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан ижтимоий шерикликни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар, «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили» доирасида қабул қилинган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси дастурининг ижроси каби масалалар муҳокама қилинди ва кўриб чиқилган масалалар бўйича масъулларнинг ахбороти тингланди ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Амир АХМЕДОВ



### Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

## Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бош кенгаши ҚАРОРИ

Ўзбекистон КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТИЗИМИДАГИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҚИСОБОТ-САЙЛОВЛАРНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Тўлиқ 2-саҳифада танишинг

### Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

## Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бош кенгаши ҚАРОРИ

Ўзбекистон КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING IX ҚУРУЛТОЙИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тўлиқ 2-саҳифада танишинг

### Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

## Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бош кенгаши ҚАРОРИ

Ўзбекистон КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАРАКАТИНИНГ 120 ЙИЛЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Тўлиқ 2-саҳифада танишинг

1211

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



## Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси Бош кенгаши

### Қ А Р О Р И

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТИЗИМИДАГИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИДА ХИСОБОТ-САЙЛОВЛАРНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси, шунингдек, Федерацияга аъзо тармок касабa уюшмалари Уставларида, Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерациясининг ҳудудий Кенгашлари Низомларида касабa уюшмалари органлари 5 йил муддатга сайланиши белгилаб қўйилганлигини ва бу муддат тегишли касабa уюшмалари органларида 2025 йил давомида туғаниши эйтиборга олиб, Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерациясининг Бош кенгаши қарор қилади:

1. Касаба уюшмалари органларининг ваколат муддатлари туғаниши инобатга олган ҳолда **2025 йилнинг: февраль-апрель ойларида** цех, бошланғич касабa уюшмаси ташкилотларида, бирлашган касабa уюшмаси кўмиталарида ҳисобот-сайлов йўғилишлари, конференциялари;

**май-июнь ойларида** касабa уюшмаларининг туман, шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўлинимларида (кейинги ўринларда - «ҳудудий бўлинимлар») ҳисобот-сайлов конференциялари; **июль ойида** Федерациянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашларида (кейинги ўринларда - «ҳудудий Кенгашлар») ҳисобот-сайлов конференциялари;

**август ойида** тармок касабa уюшмаларининг Қурултойлари;

**ноябрь ойида** Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерациясининг Қурултойи ўтказилсин.

2. «Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси тизимидаги касабa уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида Низом» **1-иловага**, ҳисобот-сайловлар якунлари тўғрисида №1 ХС, №2 ХС, №3 ХС, №4 ХС ҳисоботлар шакллари **2-5 иловаларга**, делегат анкетаси шакли **6-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Касаба уюшмаларининг бошланғич ташкилотлари, бирлашган кўмиталари, ҳудудий бўлинимлари сайланма органларининг ишлаб чиқаришдаги ишдан овоз этилган раислари ва раис ўринбосарлари, касабa уюшмалари Республика кенгашлари, Федерация ва унинг ҳудудий Кенгашлари раислари ва раис ўринбосарлари сайлови муқаррар равишда муқобиллик асосида ва яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши белгилаб қўйилсин.

4. Федерация тизимидаги касабa уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловлар юқори савияда ва белгиланган муддатларда ўтказилиши учун умумий масъулият **Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси аппарати раҳбари О.Салиев** ва Федерация раисининг ўринбосари **Б.Махмадалиев** зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси аппарати раҳбари О.Салиевга** Федерация тизимида ҳисобот-сайловларни ўтказиш билан боғлиқ барча ишларни мувофиқлаштириб бориш топширилсин.

5. **Касаба уюшмалари Республика кенгашлари, Федерациянинг ҳудудий Кенгашларида:** **2025 йил 10 январь гача бўлган муддатда**, мазкур қарордан келиб чиқиб, тармок, ҳудуддаги касабa уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни юқори савияда ташкил этиш юзасидан аниқ манзилли ва муддатли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда ижросини таъминлаш;

ҳисобот-сайлов йўғилишлари, конференциялари, қурултойлар касабa уюшмалари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар (қонунлар, уставлар, низомлар), шунингдек, мазкур қарорнинг 2-банди билан

тасдиқланган Низомга қатъий риоя этган ҳолда ўтказилиши таъминлаш, мазкур масалда қуйи касабa уюшмалари ташкилотларига амалий ҳамда услубий ёрдам кўрсатиш;

ҳисобот-сайловлар жараёнида амалдаги уставлар, низомлар Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонунига, тизимда юз берган тузилмавий ўзгаришларга мувофиқлаштирилиши таъминлаш;

касаба уюшмаларининг бошланғич ташкилотлари, бирлашган кўмиталари, ҳудудий бўлинимлари сайланма органларининг ишлаб чиқаришдаги ишдан овоз этилган раислари сайловини демократик тамойиллар, шаффофлик, ошқоралик, муқобиллик асосида, яширин овоз бериш йўли билан ўтказишнинг ўз-ўзидан ҳамда тартиби тўғрисида жойларда тушунтириш ишларини ташкил қилиш;

барча даражадаги касабa уюшмалари ташкилотларининг сайланма органлари аъзолигига касабa уюшмаси фаоллари билан бир қаторда, корхонада, туманда, вилоятда, тармоқда муносиб обрў-эйтиборга эга бўлган танқидчи инсонлар тавсия этилишига, уларнинг таркибига ёшлар ва аёллар вакиллик кенгайтирилишига эришиш;

**2025 йилнинг январь ойида**, ўзaro келишилган ҳолда, ҳудудларда бошланғич ташкилотлар, ҳудудий бўлинимларнинг раҳбарлари ва мутахассислари учун ҳисобот-сайловларни ўтказиш бўйича ўқув-семинарлар ташкил этиш жадвалларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

қуйи ташкилотларнинг ҳисобот-сайлов йўғилишлари, конференцияларида юқори касабa уюшмалари органлари вакилларининг иштирокини таъминлаш;

касаба уюшмаларининг ҳудудий бўлинимлари раҳбарлигига тавсия этилаётган номзодларнинг ҳар бири билан суҳбат ўтказиш;

ҳисобот-сайлов йўғилишлари иштирокчилари, конференциялар ва қурултойлар делегатларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда «Ўзбекистон - 2030» стратегиясини амалга ошириш доирасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг ёрқин натижалари, эришилган бемисл натижалар ҳақидаги аниқ ва ҳаққоний маълумотларни етказиш;

ҳисобот даврида касабa уюшмалари Федерацияси тизимида ижтимоий шериклик ва ижтимоий мулоқотни ривожлантириш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, норма ижодкорлиги ва фаолиятининг бошқа барча йўналишларида амалга оширилган ишлар ҳисобот маърузаларида кенг ва атрофлича ёритилишига алоҳида эътибор қаратиш;

йўғилишлар, конференциялар ва қурултойлар танқидий руҳда ўтказилиши, фаолиятда мавжуд муаммолар, шунингдек, уларни бартараф этиш бўйича аниқ вазифалар очик-ойдин ва батафсил ёритилишига эришиш;

йўғилишлар иштирокчилари, конференциялар, қурултойлар делегатлари учун фаолиятининг барча йўналишида ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар акс эттирилган тарқатма материаллар чоп этилиши ва тарқатилишини таъминлаш;

ҳисобот-сайлов йўғилишлари, конференциялари, қурултойлар делегатлари томонидан билдирилган фикрлар, тақдирлардан келиб чиққан ҳолда касабa уюшмалари ташкилотлари фаолиятининг келгусидаги устувор йўналишларини белгилаб олиш;

ҳисобот-сайловлар жараёни оммавий-ахборот восита-

ларида, веб-сайтларда ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритилишини ташкил этиш;

**2025 йил 5 январь гача бўлган муддатда** «Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси тизимидаги касабa уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида Низом» ва ҳисобот-сайловлар якуни бўйича статистика ҳисоботлари шакллари қуйи ташкилотларга электрон шаклда етказиш;

ҳисобот-сайловлар якунлари тўғрисидаги статистика ҳисоботлари ўрнатилган тартибда ва муддатларда Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси аппаратининг Ташкилий ишлар бўлимига тақдим этиш вазифаси топширилсин.

**6. Касаба уюшмалари Республика кенгашлари:** Қурултойда қабул қилиш учун тайёрлаган тармок касабa уюшмаси Устави лойиҳасини **2025 йил 15 июнь гача**;

Қурултойда билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида қайта ишланган Устав лойиҳасини Қурултой ўтказилган кундан бошлаб 10 кун муддатдан кечиктирмасдан Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси аппаратининг Юридик бўлимига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун тақдим қилинган.

**7. Федерация аппаратининг бўлиmlари:** ҳисобот-сайловларни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишда касабa уюшмалари Республика кенгашлари, Федерациянинг ҳудудий Кенгашларига амалий ёрдам кўрсатиш;

ҳисобот маърузаларида акс эттириш учун бўлим фаолияти йўналишида ҳисобот даврида Федерация тизимида амалга оширилган ишлар тўғрисида батафсил маълумотларни **2025 йил 5 январь гача** Федерация аппаратининг Ташкилий ишлар бўлимига тақдим этсин.

**8. Федерация аппаратининг Ташкилий ишлар бўлими** (К.Исроилов)га:

**2025 йил 10 январь гача** қарор касабa уюшмалари Республика кенгашлари, Федерация ҳудудий Кенгашларининг ташкилий ишлар бўйича мутахассислари учун ҳисобот-сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш мавзусида амалий семинар ташкил этиш;

**икки кун муддатда** «Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси тизимидаги касабa уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида Низом» ва ҳисобот-сайловлар якунлари бўйича статистика ҳисоботлари шакллари электрон кўринишда касабa уюшмалари Республика кенгашлари ҳамда Федерациянинг ҳудудий Кенгашларига етказиш;

**2024 йил 25 декабрь гача бўлган муддатда** ҳисобот-сайлов йўғилишлари ва конференцияларини, қурултойларни ўтказишга доир меъёрий ҳужжатлар ва тавсияларни электрон кўринишда касабa уюшмалари Республика кенгашлари, ҳудудий Кенгашларга етказиш;

**2025 йил 15 январь гача** Федерация аппаратининг бўлиmlари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида ҳисобот даврида тизимда амалга оширилган ишлар тўғрисида умумий маълумотларни тайёрлаш ва ҳисобот маърузаларида фойдаланиш учун касабa уюшмалари Республика кенгашлари, Федерациянинг ҳудудий Кенгашларига электрон шаклда етказиш;

ҳисобот-сайлов йўғилишлари ва конференциялари, қурултойларда Федерация раҳбарияти ва маъсۇл ходимларининг иштирок этиши жадвалини ишлаб чиқиш ҳамда Федерация раисига тақдим этиш, тасдиқланган жадвалларга мувофиқ уларнинг иштирокини таъминлаб бориш топширилсин.

## Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси Бош кенгаши

### Қ А Р О Р И

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ИХ ҚУРУЛТОЙИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси Уставининг 4.4.1-, 4.6.6- ва 4.4.7-бандларига асосан Бош кенгаш қарор қилади:

1. Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерациясининг IX Қурултойи **2025 йил 1 ноябрь куни** Тошкент шаҳрида чақирилсин.

II. Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерациясининг IX Қурултойи кун тартибига қуйидаги масалаларни киритиш тавсия этилсин:

1. Янги Ўзбекистон - янги касабa уюшмалари: Федерациянинг 2021-2025 йиллардаги фаолияти ва «Ўзбекистон - 2030» стратегияси асосида миллий тараққиётнинг янги bosқичида касабa уюшмаларининг устувор вазифалари тўғрисида.

2. Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси Назорат-тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.

3. Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерациясининг 2026-2030 йилларга мўлжалланган стратегия йўналишлари тўғрисида.

4. Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерациясининг Уставага ўзгариш ишлари ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

5. Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси раисини сайлаш тўғрисида.

6. Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси Бош кенгаши таркибинин сайлаш тўғрисида.

7. Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси Назорат-тафтиш комиссияси таркибинин сайлаш тўғрисида.

8. Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси Назорат-тафтиш комиссияси раисини сайлаш тўғрисида.

III. Қурултойга вакиллик меъёри тармок касабa уюшмалари, «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти ходимлари касабa уюшмаси, Федерациянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг (кейинги ўринларда - ҳудудий Кенгашлар деб юритилади) ҳар биридан **15 нафардан, жами 420 нафар** этиб белгилансин.

IV. Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси Бош кенгаши таркибинин шакллантиришнинг қуйидаги тартиби белгилансин:

тармок касабa уюшмалари, «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти касабa уюшмаси, ҳудудий Кенгашлар ўз қурултойлари, конференцияларида Федерация Бош кенгаши аъзолигига икки нафардан вакил сайлайдилар:

Федерация Бош кенгашининг қолган аъзоларини сайлаш ва унинг сон таркибинин белгилаш Қурултой ваколатига қиради.

V. Ўзбекистон касабa уюшмалари Фе-

дерациясининг IX Қурултойига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича **Танқидий кўмита таркиби** 1-иловага, **Ишчи гуруҳлар таркиби** ва уларнинг вазифалари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

VI. Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси Ижроия кўмитасига Қурултойга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-ҳаражатлар сметасини тасдиқлаш, Қурултойга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича Ташкилий кўмитага зарур ҳолларда мазкур қарорнинг 2-илловаси билан тасдиқланган ишчи гуруҳлар таркиби ҳамда уларнинг вазифаларига ўзгартиришлар киритиш ваколати берилсин.

VII. Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерациясининг IX Қурултойига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича **Танқидий кўмита** (Б.Махмадалиев, О.Салиев)га:

Ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, Қурултойга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирларнинг белгиланган муддатларда ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

зарур ҳолларда Қурултойга тайёргарлик кўриш ишларига малакали мутахассисларни жалб қилиш;

Танқидий кўмита мажлисларида Қурултойга тайёргарлик кўриш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида Ишчи гуруҳлар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб, натижалари бўйича Федерация раисига маълумотлар тақдим этиб бориш вазифалари топширилсин.

VIII. Касаба уюшмалари Республика кенгашлари, «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти касабa уюшмаси кенгаши ва ҳудудий Кенгашларга:

ушбу қарорнинг III бандида белгиланган вакиллик меъёрига мувофиқ Федерациянинг IX Қурултойига ҳар томонлама муносиб, касабa уюшмалари ҳаракатини ривожлантиришга ҳисса қўшган, обрў-эйтиборга сазовор бўлган фаолларнинг шаффофлик, адолат ва ҳаққонийлик тамойиллари устуворлигини таъминлаган ҳолда делегат этиб сайланишига алоҳида эътибор қаратиш;

белгиланган вакиллик меъёрига мувофиқ Федерациянинг IX Қурултойига делегатларини, Федерация Бош кенгаши таркибига вакиллари сайлаш тўғрисидаги қарорлар нусхаларини, шунингдек, делегатларнинг анкеталари ва Бош кенгаш таркибига сайланган вакилларнинг маълумотларини **2025 йил 10 сентябрь гача** Федерация аппаратининг Ташкилий ишлар бўлимига топшириш;

Қурултойда қабул қилинадиган дасту-

рий ҳужжатлар касабa уюшмалари Қурултойлари, ҳудудий Кенгашлар конференцияларида муҳокама қилинишини ташкил қилиш, лойиҳалар юзасидан тушган таклифларни **2025 йил 10 сентябрь гача** тегишли Ишчи гуруҳларга тақдим этиш вазифаларига юклатилсин.

IX. Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси аппаратининг бўлиmlари Ишчи гуруҳларга вазифаларини белгиланган муддатларда сифатли бажарилишида яқиндан амалий ёрдам кўрсатиб бориш.

X. «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти (Х.Эрматов)га Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерациясининг IX Қурултойига тайёргарлик кўриш доирасида амалга оширилаётган ишларни, Қурултой жараёнини ҳамда унда қабул қилинган ҳужжатларни газеталар саҳифаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

XI. Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати (М.Урмонбекова) Федерация аппаратининг Ахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўлими (З.Набиев) билан биргаликда:

**2025 йил 15 февраль гача** Федерациянинг расмий веб-сайтида «IX Қурултой» рўқнини очсин;

**2025 йил 10 июнь гача** Қурултойда қабул қилинадиган дастурий ҳужжатлар лойиҳаларини, Қурултой ўтказилган кундан бошлаб **икки ҳафта** муддатда унда қабул қилинган якуний ҳужжатларни «IX Қурултой» рўқнида жойлаштирсин.

XII. Федерация аппаратининг Ишлар бошқармаси (О.Умаров) Қурултойга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан шартномалар тузилишини, **Молия бўлими** (Ж.Ҳамзаев) тузилган шартномаларга мувофиқ маблағ ўтказиб борилишини таъминласин.

XIII. Ушбу қарор Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерациясининг наشري «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарида чоп этилсин.

XIV. Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерациясининг Ижроия кўмитасига, заруратига қура, Қурултойни ўтказиш кунига ўзгартириш киритиш ваколати берилсин.

XV. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси Ижроия кўмитаси зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси раиси **К. РАФИҚОВ**

Тошкент шаҳри,  
2024 йил 21 декабрь

## Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси Бош кенгаши

### Қ А Р О Р И

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАРАКАТИНИНГ 120 ЙИЛЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси томонидан мамлакатимизда касабa уюшмалари фаолияти тарихини ўрганиш ва кенг жамоатчиликка етказиш борасида бир қатор ишлар амалда оширилди.

Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан касабa уюшмалари тизимида меҳнат қилган фахрийлар ва ходимлар, етук мутахассислардан иборат тузилган **Ишчи гуруҳ** томонидан Ўзбекистон Миллий архиви, Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари Миллий архиви, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви, Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институти, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон тарих музейи ва бошқа қатор илмий муассасалар, Санкт-Петербург шаҳридаги Россия давлат тарихи архиви фонди ҳамда Россия миллий кутубхонасида **1000 дан ортиқ тарихий ҳужжатлар**, шунингдек, ўтган асрнинг бошида чоп этилган «Туркистон», «Ишчилар дунёси», «Хуршид», «Тараққий» ва «Самарқанд» газеталарининг **200 дан ортиқ сонлари** ўрганилиб атрафлича чуқур таҳлил этилди.

Натижада улқамизда илк касабa уюшмалари ташкилоти **1905 йилда** темир йўл ишчилари ва алоқа ходимлари томонидан ташкил этилгани аниқланди. Жумладан, **1905 йилнинг қузда** аниқ фактлар асосида Туркистон темир йўл уюшмаси ташкил этилиб, **1906 йилнинг бошида** Урта Осиё ва Оренбург - Тошкент темир йўларининг 8 минг нафар ишчи-ходимларини ўзида бирлаштирган, **1905 йилнинг 13-20 декабрь кунлари** Урта Осиё темир йўллари ишчи ва хизматчиларининг биринчи Қурултойи ўтказилиб, унда **1906 йил январь ойидан** бошлаб 8 соатлик иш қўнини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинган, **1906 йилнинг 1 июлида** Тошкентда бўлиб ўтган Урта Осиё ва Оренбург-Тошкент темирйўлчиларининг бирлашган биринчи Туркистон Қурултойида Урта Осиё ва Оренбург - Тошкент ишчи-ходимларининг Устави қабул қилинган.

**1905 йилнинг 24 октябрида** Тошкентда Почта-телеграф ишчиларининг умумий йўғилиши ўтказилиб, унда **Почта-телеграф уюшмасининг** Туркистон бўлимини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган ва ишларни бошқариш учун кўмита аъзолари сайланган.

Илмий ўрганиш ва тарихий-назарий таҳлиллар натижасида мамлакатимизда **илк касабa уюшмалари ҳаракати 1905 йилда** бошланганлиги ва келгуси йилда **120 йил бўлишини тарихий ҳужжатлар ҳамда аниқ манбаалар асосида тўлиқ исботини** топди.

Юқоридегиларни инобатга олиб, Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси Бош Кенгаши қарор қилади:

**9. Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси аппаратининг Юридик бўлими** (Х.Премкулов)га:

Федерацияга аъзо барча тармок касабa уюшмаларининг Уставлари лойиҳаларини уларнинг **қурултойларига қадар** ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш; тармок касабa уюшмаларининг қурултойлари, Федерация ҳудудий Кенгашларининг конференциялари қонун ва Устав талабларига қатъий риоя этилган ҳолда ўтказилишини назоратга олиш вазифаси топширилсин.

**10. Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси аппаратининг Ахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўлими** (З.Набиев) **2025 йил 25 январь гача** Федерациянинг расмий веб-порталда «**Ҳисобот-сайловлар**» рўқни очилишини, уларга тизимда ҳисобот-сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ қабул қилинган локал норматив ҳужжатлар, услубий қўлланмалар, тавсиялар, маълумот ва ахборотлар мунтазам равишда жойлаштириб борилишини ташкил қилсин.

**11. Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерациясининг Матбуот хизмати** (М.Урмонбекова) касабa уюшмалари ташкилотларида ўтказилаётган ҳисобот-сайлов йўғилишлари, конференциялари, қурултойларини республика оммавий ахборот воситаларида, Федерациянинг расмий веб-сайтида, ижтимоий тармоқларда кенг ёритсин.

**12. «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти** (Х.Эрматов)га газеталар саҳифаларида алоҳида рўқнлар очиб ва уларда ҳисобот-сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш жараёнини, касабa уюшмалари органларининг фаолиятини кенг ёритиб бориш, ҳисобот-сайловлар даврида билдирилган танқидий фикрларни изчил акс эттириш тавсия этилсин.

## БОШ КЕНГАШ МАЖЛИСИ: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бош кенгашининг IX мажлиси бўлиб ўтди



2024 йил мамлакатимиз тарихида Президентимиз раҳбарлигида ўзига хос марраларни забт этиш йили сифатида тарихда қолмоқда. Бу «Янги Ўзбекистон» деб номланган давлатимизнинг ҳар бир фуқарога муносиб меҳнат шaroити яратиш, илм-маърифат билан уйғун ҳолда камбағалликни қисқартириш, халқ ҳўжалигининг барча тармоқларини модернизация қилиш, ижтимоий ҳимоянинг бутунлай янги тизимини жорий қилиш каби бир қатор янгиланишлар билан характерланади. Мухими, бошланган ислохотларнинг натижадорлигидир.

Ҳар қандай давлат аҳолисининг турмуш даражаси ялпи ички маҳсулот ҳажми билан ҳам ҳисобланади. «Ўзбекистон - 2030» стратегиясида келгусида мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмини 160 миллиард долларга етказиш мақсади кўзланаётгани яқин етти-саккиз йил муқаддам биров ишонгани мақсад эмас эди. Бугун эса ислохотларнинг изчиллиги, муҳими, халқнинг Давлат етакчиси бошчилигида бир елқадан бош чиқариб келажакка шахдам қадам ташлай бошлаганининг мевасидир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бош кенгаши IX мажлисини бошқарган Федерация раиси ўз сўзини мамлакатимизнинг жорий йилдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий йўналишларда эришган натижаларига алоҳида тўхталиш билан бошлади.

«Этиборли жиҳати, - деди Қудратилла Рафиқов ўз сўзида. - Шу йилнинг ўзида ялпи ички маҳсулот ҳажми 110 миллиард долларга етиши кутилмоқда. Иқтисодий тармоқлари ҳамда ҳудудларда жорий йилнинг 9 ойи давомида 26,6 триллион сўм миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди. Шу давр мобайнида номинал ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақи қарийб 5,2 миллион сўмга етиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 16,4 фоизга ошди. Камбағаллик даражаси 23 фоиздан 11 фоизга тушгани, мактабгача таълимда қамров 74 фоиздан, олий таълимда эса 39 фоиздан ошгани мамлакатимизда «Инсон кадри учун» деган тамойил барча ислохотларнинг асосини ташкил қилаётганини кўрсатмоқда.

Раис ўз сўзида жорий йил 27 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳамда Қўрақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар ҳақида ўз фикрларини баён этар экан, сайловда халқимиз Президентимиз раҳбарлигида олиб борилётган ички ва ташқи сиёсатга ўз байрихоҳлигини яқдиллик билан билдирганига алоҳида урғу берди. Шу билан бирга, Ўзбекистон касаба уюшмаларидан 17 на-

фар ходим Қўрақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига, 52 нафар касаба уюшмалари ходими ва фаоли туман (шаҳар) Кенгашлари депутати этиб сайланганини мамнуният билан таъкидлади.

- Шунинг қувонч билан таъкидлашим лозимки, касаба уюшмаларининг 4 нафар вакили Олий Мажлис Сенати аъзоллигига сайланди, - деди раис. - Бу эса, ҳурматли Президентимизнинг алоҳида этиборлари туфайли касаба уюшмала-

рининг жамиятдаги нуфузи ва албатта, халқнинг ишончи тобора ортиб бораётганидан далолат, десам, айна ҳақиқат бўлади.

Қ.Рафиқов 2024 йилда Касаба уюшмалари тизимида эришилган натижаларга муфассал тўхталиб, эришилган ютуқларни қайд этиш билан бирга, йўл қўйилган камчиликларни ҳам чуқур таҳлил қилиб берди.

Мажлисида Федерациянинг Навоий вилояти кенгаши раиси Назира Тоғаева, Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюш-

маси Республика кенгаши раиси Асрор Эшонхўжаев, Федерация Назорат-тағтиш комиссияси раиси Баҳодир Умурзоқов, Тошкент иқтисодий университети ректори Тўлқин Тешабоев ва бошқалар сўзга чиқиб, раиснинг маърузасида келтирилган масалаларга ўз муносабатларини билдиришди.

Таъкидландики, жорий йил давомида меҳнатқашларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари билан боғлиқ, жумладан, ижтимоий-меҳнат соҳасига оид 250 дан ортиқ, меҳнатни муҳофазат қилиш масалалари бўйича

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги 100 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари кўриб чиқилиб, мутасадди ташкилотларга юборилган. Касаба уюшмалари Федерациясининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишларида белги-ланган вазифалар ижроси доирасида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 95-, 132-, 155-, 156-, 175-сонли Конвенциялари ратификация қилинишига эришилди. 95-сонли Конвенцияни тўлиқ амалиётга киритиш учун қонунчиликка ўзгарти-

риш киритиш бўйича таклифлар Вазирлар Маҳкамаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирилик, Иш берувчилар конфедерациясига юборилди. «183- ва 190-сонли Конвенцияларни ратификация қилиш ҳақида»ги қонунлар лойиҳаларига таклифлар киритилди.

Шунингдек, касаба уюшмалари инспекциялари томонидан 4 минг 397 та ташкилотда жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳамда келиб тушган 6 минг 105 та мурожаатни кўриб чиқиш натижаларига кўра, жами 106 минг 19 нафар шахнинг ҳуқуқлари тикланиб, ходимлар фойдасига 108 миллиард 533 миллион 700 минг сўм ундирилди.

Жамоа шартномаларига киритилган қўшимча имтиёз ва кафолатлар натижасида 24 миңдан зиёд корхона ва ташкилотда қарийб 1,1 миллион нафар ходимнинг иш ҳақлари оширилган, 2,5 миллион нафардан зиёд ходим асосий узайтирилган таътил, 3,5 миллион нафардан ортиқ ходим эса йиллик қўшимча таътиллardan фойдаланган.

Мажлисида жамоа келишувлари ва шартномаларининг мазмуни ҳамда уларнинг бажарилишига ҳамма жойда ҳам бирдек этибор қаратилмаётгани кескин танқид қилинди, иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни бартараф этиш борасида сустқашликка йўл қўйиш эса чидаб бўлмайдиган ҳолат экани таъкидланди.

Шунингдек, 2025 йилдаги устувор вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, нодавлат сектордаги ишчи-ҳодимларнинг касаба уюшмаларига жалб этилиши ҳамда уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш муҳим вазифалардан бири бўлиши лозимлиги алоҳида қайд этилди.

Йиғилишда касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IX Курултойини чақириш, Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Халқаро Конфедерациясининг I Конгрессига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидан делегатлар сайланди. Бош кенгаш таркибига ҳам бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида ҳамда Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳрида сузиш ҳавзаларини қуриш масалалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, яна бир қатор масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бош кенгашининг IX мажлисида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

## УНИВЕРСИТЕТ НУФУЗИ ЯНАДА ОШМОҚДА

Ушбу имкониятлар натижаси ўлароқ, бугун университетларда замонавий лабораториялар, компьютер хоналари, кутубхоналар, спорт иншоотлари ва бошқа инфратузилма объектлари яратилмоқда. Замонавий педагогик технологиялар ва интерактив методлар жорий этилмоқда. Бу эса талабалар ва ўқитувчилар ўртасида янада самарали алоқалар ўрнатишга сабаб бўлмоқда.

Урганч давлат университети сўнгги 8 йил ичида тараққиётнинг ўзига хос ривожланиш йўлини босиб ўтди. Республикада молиявий ва академик мустақилликка эга бўлган нуфузли университетлар қаторидан жой олган Урганч давлат университети бугун 8 та факультет, 39 та кафедрга эга. Бакалавр босқичида 97 та йўналиш бўйича, сиртки таълимда 27 та йўналиш ва магистратура босқичида 42 та мутахассислик бўйича малакали кадрлар тайёрлаб келмоқда. Минг нафарга яқин профессор-ўқитувчи 26 миңдан зиёд талабаларга илм-фаннинг сир-асрорларидан таҳсил бериб келмоқда. Педагогларнинг 50 дан ортиғи фан доктори ва профессор бўлса, 288 нафари фан номзоди, шу жумладан, фалсафа фанлари доктори, доцент илмий даражасига эга бўлган ўқитувчилар ҳисобланади.

Жорий йилда вилоятдаги кадрларга бўлган эҳтиёж ҳисобга олиниб, 6 та янги таълим йўналиши ва яна 5 та янги магистратура мутахассисликлари очилди. Университетнинг моддий техник жиҳатдан салоҳияти тобора юксалиб бормоқда. Айна пайтда талабалар учун 10 та ўқув биносидан 410 та аудиторияда барча шарт-шaroитлар яратиб берилган. Барча аудиториялар ва 60 та лаборатория энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Мустақиллигимизнинг 33 йиллигини университет жамоаси ўзгача шуқуқ билан нишонлади. Боси, байрам арафасида 5 та спорт

турига мўлжалланган ва 6 та майдондан иборат янги спорт комплекси фойдаланишга топширилди. Унда баскетбол, волейбол, бадминтон, гимнастика ва гандбол майдонлари мавжуд. Бундан ташқари, айна пайтда талабалар учун янада қулайлик яратиш мақсадида 600 ўринли ётоқхона ҳамда замонавий шaroитларга эга кутубхона барпо этилмоқда.

Университет педагогларининг илмий фаолияти ҳам йилдан йилга самарали бўлмоқда. Жумладан, 2024 йилда профессор-ўқитувчиларнинг 81 нафари PhD диссертациясини, 8 нафари эса DSc докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишди. ОАК томонидан 37 нафари доцент ва 7 нафари профессор илмий унвонига эга бўлди. Университет олимлари томонидан 9 та ихтиро, 2 та фойдали модель, 4 та сановат намунаси, 2 та селекция ютуғи (ўсимлик нави) бўйича патент гувоҳномалари олинди. Профессор-ўқитувчиларнинг жами 314 нафари хорижий тилини билиш бўйича даражали сертификатларга эга.

2024 йилда университет ўқув жараёнига илғор хорижий тажрибаларни жорий этиш, таълим сифатини янада ошириш мақсадида АКШ, Германия, Малайзия, Хиндистон, Словения, Италия, Россия ва Франциянинг нуфузли олий таълим муассасаларидан 30 нафар профессор-ўқитувчи ва мутахассислар ўқув жараёнига жалб қилинди.

Айтиш жоизки, Урганч давлат университетида илмий даражалар берувчи 8 та илмий кенгаш фаолият юритади. 2024 йилда кенгашлардаги 13 та ихтисослик бўйича 36 та илмий тадқиқот ишлари муваффақиятли ҳимоя қилинди. Университетда амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишлари, уларнинг аҳамияти ва натижалари амалиётда ҳам самарали қўлланилмоқда.



Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича кен қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳудудларда янги олий таълим муассасаларининг ташкил этилиши, кадрлар тайёрлашнинг замонавий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ҳамда сиртки ва кечки бўлиmlарнинг очилиши, олий таълим муассасаларига қабул квоталарининг оширилиши мазкур йўналишдаги муҳим ислохотлар ҳисобланади.

Университетда илмий-тадқиқот ва таълимга йўналтирилган 17 та хорижий лойиҳа ташкил этилган бўлиб, 180 та хорижий олий таълим муассасаси билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шунингдек, 5 та хорижий олий таълим муассасаси билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари ташкил этилган. Университет халқаро олий таълим рейтингларида эгаллаб турган ўрни мунтазам равишда янгилан бормоқда.

Қайд этиш лозимки, Урганч давлат университети Scopus ҳамда Web of Science базасига кирувчи нуфузли халқаро журналларда илмий мақолалар эълон қилиниши бўйича энг яхши натижаларга эришилмоқда. Бу каби тўхтовсиз илмий изланишлар, эри-

шилган ютуқлар, забт этилган марралар Урганч давлат университетининг жаҳон рейтингларида кўзга ташланишида муҳим омил бўлмоқда. Қолаверса, олий ўқув юртининг бу каби нуфузли ва фахрли ютуқини қўлга киритиши ривожланган давлатларнинг нуфузли таълим дароҳлари билан мунтазам равишда халқаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаб, профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинув дастурларини тизимли йўлга қўйилганлигида, албатта.

Урганч давлат университетида табиий фанлар, техника, иқтисодий, педагогика ва бошқа соҳаларда юқори малакали мутахассислар тайёрланмоқда. У замонавий таълим

шaroитлари, тажрибали профессор-ўқитувчилари ва халқаро ҳамкорлик дастурлари билан вилоятнинг етакчи таълим маркази ҳисобланади. Хоразмнинг маданий меросини ўрганиш ва ривожлантиришга қаратилган махсус илмий лойиҳалар амалга оширилиши, университет битирувчилари вилоят ва республика миқёсида етакчи соҳаларда фаолият юритаётган малакали мутахассислар сифатида танилган кўхна ва навқирон олий таълим маскани нуфузини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Мархабо АҲМЕДОВА,  
Урганч давлат университети  
Ахборот хизмати бўлими бошлиғи

# ЎЗБЕКИСТОН – ҚИРҒИЗИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Шу кунларда Қирғизистон касаба уюшмалари Федерацияси делегацияси мамлакатимизда бўлиб турибди



Ташрифдан қўзланган асосий мақсад – икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатни янада яхшилаш, касаба уюшмалари ўртасида икки томонлама ҳамкорлик тўғрисида Келишув имзолаш.

2024 йилнинг 23 декабрь кунини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Қирғизистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбариятлари ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган тадбирда Қирғизистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Мурадил Жумадилад улу бошчилигидаги делегация аъзолари, Қирғизистон Республикасининг Ўзбекистондаги Муваққат ишончли вакили Жаноб Бакит Асангулу, Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари, тармоқ касаба уюшмалари республика кенгашлари ва Федерация тасарруфидаги ташкилотлар раҳбарлари иштирок этишди.

Учрашувни очар экан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов меҳмонларга самимий миннатдорлик билдирди.

– Сўнгги саккиз йил давомида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг саъй-ҳаракатлари билан Янги Ўзбекистон ҳамда Қирғиз Республикаси ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди, – деди Қудратилла Рафиқов. – Мамлакатларимиз касаба уюшмалари марказлари делегацияларининг ўзаро ташрифи яхши анъанага айлангани ҳам касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши кўшничлик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Биз яхши биламизки, республикадаги энг оммавий ва нуфузли жамоат ташкилоти бўлган Қирғизистон касаба уюшмалари Федерацияси меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида улкан ишларни амалга оширмоқда.

Ишончимиз комилки, Федерациянинг муносиб меҳнат шароитларини таъминлаш, касаба уюшмалари ҳаракатини модернизация қилиш ва ислох этиш бўйича олиб бораётган ишлари қардош Қирғизистонда касаба уюшмаларининг нуфузини янада оширишга хизмат қилади.

Аслида 2022 йилда федерацияларимиз ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланган эди. Лекин

ҳаёт бир жойда турмайди. Шу боис биз қирғизистонлик ҳамкасблар билан ҳамкорликни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларини қамраб олган ҳамкорлик тўғрисидаги битим лойиҳасини тайёрладик.

Бир сўз билан айтганда, бир-биримиздан кўп нарсани ўрганишимиз керак, ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўп ва ишончим комилки, бизнинг бу галги учрашувимиз ўзаро манfaatли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликнинг катта йўлининг бошланғичи.

Дарҳақиқат, халқларимиз ўртасида тарихан жуда яқин, дўстона, қардошлик муносабатлари шаклланган. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йилдан буён Бишкекка турли форматларда етти марта ташриф буюргани бунинг ёрқин далилидир. Шу жумладан, Қирғизистон Республикаси Президенти Садир Жапаров 2020 йилдан буён юртимизга беш марта ташриф буюрди. 2023 йилда икки Президент ўртасида тарихий стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Умуман олганда, давлат раҳбарларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари ва сиёсий иродаси туфайли сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатидан янги, халқларимиз манfaatларига тўла жавоб берадиган даражага кўтарилди.



нинг фойдасига 108 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ундирилди. Айтиш мумкин, 2023 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси ва Иш берувчилар конфедерацияси ўртасида 2023-2025 йилларга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича Бош жамоа келишуви имзоланган ва амалга оширилмоқда.

Мазкур Бош жамоа келишуви асосида 102 та тармоқ, 14 та ҳудудий келишув, 600 дан ортиқ ҳудудий-тармоқ жамоа келишувлари ва 117 мингдан ортиқ жамоа шартномалари амалда бўлиб, улар қарийб 5 миллион нафар ходимнинг манфаатларини ифода этади.

Йиғилишда Қирғизистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Мурадил Жумадилад улу ҳам сўзга чиқиб, икки давлат касаба уюшмалари ўртасидаги алоқаларни юқори баҳолади.

Тадбирда меҳмонларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг жамиятда тутган ўрни ва меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги тажрибалари ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

Ўз тизимида 14 та тармоқ касаба уюшмаси, 14 та ҳудудий кенгаш ва 38 мингдан ортиқ бошланғич касаба уюшма ташкилотларини бирлаштирган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси учун сўнгги саккиз йил муҳим воқеаларга бой бўлди.

Хусусан, шу давр мобайнида «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги янги қонун қабул қилинди, ижтимоий меҳнат масалалари бўйича Комиссия фаолияти йўлга қўйилди. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 24 та Конвенцияси ва битта протоколи ратификация қилинди. Меҳнаткашлар манfaatларидан келиб чиқиб, 5 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларига тақлифлар берилди. Шунингдек, Федерация тизимида Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси, Малака ошириш институти ва Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихи музейи ташкил этилди.

Жамоатчилик назорати ва касаба уюшмалари органларига келиб тушган муурожаатларни кўриб чиқиш натижаларига қўра, жорий йилнинг ўзига 106 мингдан зиёд ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари тикланди ва улар

Федерацияси раҳбариятига самимий мулоқот ва меҳмондўстлик учун миннатдорчилик билдираман, – деди Мурадил Жумадилад улу. – Ҳақиқатан ҳам, икки давлат раҳбарининг одилона сиёсати натижада муносабатларимиз янада мустаҳкамланди. Ташриф мобайнида бунинг юракдан ҳис қилдим. Бундан кейинги фаолиятимиз, ҳамкорликдаги ишларимиз бундан ҳам юқори босқичларда давом этишига ишонаман. Бугун имзоланган ҳужжат нафақат федерацияларимиз, балки тармоқ, ҳудудий, бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ўртасидаги қардошлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Мулоқот давомида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари – Меҳнат инспекцияси бошлиғи Қобилжон Қирғизалиев, Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Нодира Ғойибназарова, Навоий вилояти кенгаши раиси Назира Тоғаева ва бошқалар сўзга чиқиб, соҳадаги ўзгаришлар, ҳамкорлик истиқболлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Анжуман очик, дўстона ва самимий муҳитда ўтди. Яқунда Ўзбекистон ва Қирғизистон касаба уюшмалари ўртасида иккитомонлама ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Қирғизистон касаба уюшмалари раи-

## Сўз – меҳмонларга!

**Дўстона АЛОҚАЛАР  
ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНИШИГА  
ИШОНАМАН**



Мурадил  
ЖУМАДИЛДЭ УУЛУ,  
Қирғизистон  
касаба уюшмалари  
Федерацияси раиси:

– Бугунги кунда ўзбек ва қирғиз миллатлари муносабатлари янада яхшиланганини алоҳида таъкидлаш лозим. Давлатларимиз раҳбарларининг дўстона учрашувлари муносабатларимизни янада мустаҳкамламоқда. Аинқиса, чегара масалаларининг ҳал этилиши иккала давлат учун ҳам катта муваффақиятдир.

Делегациямиз билан юртимизда бўлиб, нафақат касаба уюшмалари фаолияти, балки мамлакатимиздаги улкан ўзгаришлар билан ҳам танишяпмиз. Хусусан, айни вақтгача Федерациянинг Юридик клиникаси ва кадрлар тайёрлаш академияси бизда катта қизиқиш уйғотди. Ва яна, меҳнатни муҳофаза қилиш қўмиталари борлиги ҳам қувонтирди. Биз, Қирғизистон делегацияси сизларнинг бу борадаги ҳаракатларингизни қулай равишда қўллашга ҳаяжонланганмиз. Ташрифимиздан қўзланган мақсад ҳам тажриба алмашиш, ома-инчилик муносабатларини мустаҳкамлашдир.

Яна шунинг таъкидлашнинг истардимки, Қудратилла Рафиқов ташаббуси билан 2022 йилда 4 та кўшни давлатнинг касаба уюшмалари янада жипслашди ва биргаликда иш олиб бормоқдамиз. Дўстона алоқаларимиз бугун янада кенгаймоқда. Биз ҳам, албатта, буни қўллаб-қувватлаймиз.

## БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТЛАР ОЛЯПМИЗ



Ирен ИСАҚОВА,  
Қирғизистон касаба  
уюшмалари  
Федерацияси  
Соғлиқни сақлаш  
ҳодимлари марказий  
қўмитаси  
Ташкилий-иқтисодий  
бўлими бошлиғи,  
Аёллар кенгаши раиси:

– Ташриф мобайнида мен кўп таассуротлар олдим. Хусусан, мени хурсанд қилган бир жиҳат – меҳнат муносабатларининг қонуний негизи мустаҳкамлиги бўлди. Яна қонунчиликдаги гендер тенглик ёқди. Бу биз учун янгилик. Биз бу масалани ўрганиб чиқамиз. Мен, ҳатто, бу ҳақда қўлламалар ёзишни режалаштириб қўйдим.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бизни илқ қутиб олгани ва учрашувни мукамал даражада ташкил этгани учун миннатдорчилик билдирмоқчиман. Икки кунлик ташрифимиз давомида кўп нарсаларни кўриб, батафсил маълумотлар оламиз, деб ўйлайман.

## ТАЖРИБА АЛМАШИШДА МУҲИМ ҚАДАМ БЎЛАДИ



Бектемир  
МАМБАТБАЕВ,  
Қирғизистон авиация  
санояти касаба  
уюшмаси раиси:

– Икки томонлама ҳамкорлик тўғрисидаги битим саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш ва Қирғизистонда ҳам, Ўзбекистонда ҳам ишчиларимизни ҳимоя қиладиган қонунлар, жумладан, Меҳнат кодексига киритишимиз мумкин бўлган моддаларни тайёрлашда муҳим қадам бўлади, деб ўйлайман.

## ҲАРАКАТЛАРИМИЗ, АЛБАТТА, НАТИЖА БЕРАДИ



Эрбол ТУРСУМБЕК УУЛУ,  
Қирғизистон касаба  
уюшмалари  
Федерацияси раиси  
ўринбосари:

– Кейинги йил сиз каби биз ҳам касаба уюшмаларининг 120 йиллик байрамини кенг нишонлаймиз. 1905 йилда ташкил этилган касаба уюшмаси улкан тарихга ва ривожланиш босқичларига эга.

Ўзбекистон касаба уюшмаларидан жуда кўп нарсани ўрганиш мумкин. Ўйлайманки, барча йўналишларда ҳамкорлик қиламиз. Аинқиса, бу таърибот, техника хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ҳоказолар. Бу йўналишлар бўйича ҳаракатларимиз, албатта, натижа беради.

## ЎРГАНАДИГАН ЖИҲАТЛАРИМИЗ КЎП



Асель САРТБАЕВА,  
Қирғизистон касаба  
уюшмалари  
Федерацияси Ёшлар  
кенгаши раиси:

– Биз Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолиятини юқори баҳолаймиз ва бу тажрибадан ўрганадиган жиҳатларимиз жуда кўп. Сизларда ёшлар билан ишлаш тизими яхши қўллашгани бизни қувонтирди.

Мени энг таъсирлантирган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан бунёд этилган Марказий Осёда ягона музей ўзгача таассурот қолдирди. Биз ҳамкасблар билан касабанинг узоқ йиллик тарихини жонли қузатишга муваффақ бўлдик. Умид қиламанки, биз ҳам ўз юртимизда мана шундай файзли музей яратамиз!

Ғулумжон МИРАҲМЕДОВ  
«ISHONCH»

Эъзога УМУРЗОҚОВА олган суратлар





Реклама ҳуқуқида

## Biznesni Rivojlantirish Banki **КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗНИ** **БИЗНЕС РИВОЖИГА САФАРБАР ЭТАМИЗ**

**Мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари ва қўшимча даромад манбаларини яратиш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган кенг қўламли, тизимли ва аниқ манзилли иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур ислохотларнинг туб моҳиятида «Инсон қадрини учун» деган улуғвор ғоя мужассамдир. 2020 йил 12 майда қабул қилинган «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси» ҳам аҳолини замонавий ва қулай банк хизматлари билан таъминлаш орқали, кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, пировардида фуқароларимизнинг ҳаёт даражаси сифатини оширишни кўзда тутди.**

Президентимиз раислигида жорий йил 16 декабрда ўтказилган видеоселектор йиғилишида банк хизматлари орқали маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, келгуси йил учун асосий режалар белгилаб берилди.

Хусусан: аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича Сайхунобод, Уйчи, Ғиждувон, Зарбдор тажрибаларини изчил давом эттириш; миқдорлар билан ҳар ойда камида 3 маротаба учрашувлар ўтказиш ва бу орқали уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш; гаровсиз кредитлар миқдорини 300 млн. сўмгача ошириш; банк ресурс базасини ошириш мақсадида халқаро кредит йўналишлари ва депозитлар жалб қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари тижорат банклари ижобий тажрибаларини кенгайтириб, халққа мадад бўлиши зарурлигини, 2025 йил бандлигини таъминлаш ва камбағалликни камайтиришда энг муҳим ва ҳал қилувчи йил бўлишини таъкидлади.

Шунингдек, ҳокимликлар билан банкларнинг маҳаллаларда ҳамкорликда ишлаш тизими бўйича янгича ёндашувлар илгари сурилди. Шу мақсадда маҳалла банкирлари фаолиятини йўлга қўйиш тақлифи билдирилди. Улар маҳалланинг бизнес имкониятларини ўрганиди, одамларнинг ёғлари ва қобилиятини лойиҳаларга айлантди. Аҳолига молиявий тартибларни, махсулот ва хизматларини сотишни ўргатади, лойиҳаларга ҳамроҳлик қилади.

Видеоселектор йиғилишида тижорат банкларининг мавжуд муаммоларини бар-тароф этишга доир аниқ ечимлар кўрсатилди. Хусусан, банклар балансида 3 мингта

ҳаракатсиз мулк борлиги, улар сотилса, қўшимча ресурс ва 150 мингта иш ўрни учун захира пайдо бўлиши кайд этилди. Шу боис банкларга ҳаракатсиз мулкларни бозор қийматида тўғридан-тўғри сотишга рухсат берилиши белгиланди. Мазкур

**АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДОИМИЙ ДИҚҚАТ МАРКАЗИМИЗДА. ЖОРИЙ ЙИЛДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАҚСАДИДА 18 866 НАФАР АЁЛЛАРГА 919,8 МЛРД. СЎМ КРЕДИТ МАБЛАҒЛАРИ АЖРАТИЛДИ. БАНКИМИЗГА БИРИКТИРИЛГАН МАҲАЛЛАЛАРДА 1868 НАФАР ТАДБИРКОР АЁЛГА 122,9 МЛРД. СЎМ МИҚДОРИДА БАНК КРЕДИТИ ЙўНАЛТИРИЛДИ. БУНИНГ САМАРАСИ ЎЛАРОҚ, 3 862 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ВУЖУДГА КЕЛДИ.**

тақлиф тижорат банкларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ва уларнинг молиявий имкониятларини оширишга қаратилгандир.

Маълумки, Бизнесни ривожлантириш банки давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 18 августда тадбиркорлар билан бўлиб ўтган мулоқотида билдирилган ташаббуси асосида ташкил этилган.

2023 йилнинг 14 сентябрида қабул қилинган «Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғри-

сида»ги Президент қарорига мувофиқ, Бизнесни ривожлантириш банки «Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастурини самарали амалга ошириш ва уни доимий равишда такомиллаштириб бориш бўйича асосий таянч банк сифатида белгиланган.

Банкимиз ташкил тоганидан буён ўтган бир йилдан ортиқ вақт давомида республиканинг 14 та ҳудудда тадбиркорларни ўқитиш учун замонавий кичик бизнесга қўмаклашиш ҳудудий марказлари ташкил этилди. Улар томонидан 55 мингдан ортиқ тадбиркор ўқитилди.

Тадбиркорларга яратилган қулай ва жозибдор 10 турдаги молиявий инструментлар орқали бугунги кунга қадар Дастурда иштирок этган 49 077 нафар тадбиркорга 4 трлн. 800 млрд. сўмлик, шу жумладан, Бизнесни ривожлантириш банки томонидан 17 673 нафар тадбиркорга 1 трлн. 800 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Бунинг натижасида 58 900 та янги иш ўрни яратилди.

Банкимизга республика бўйича 649 та маҳалла бириктирилган. Жорий йилда мазкур маҳаллаларда жами 1 трлн. 500 млрд. сўм кредит ажратилиб, 473 минг нафар аҳоли бандлиги таъминланди. Шундан 70 минг нафари доимий ишга жойлашти-

рилди ва 403 минг нафари тадбиркорликка жалб қилинди. Хусусан, «Сайхунобод тажрибаси» асосида хонадонбай ишлаш тизими орқали ҳар бир маҳалладаги хонадонларга жами 3992 та молиявий пакетлар, шу жумладан, 21 минг 800 та микролойиҳалар амалга оширилиб, 672 млрд. сўм кредит ажратилди. Натижада 40 102 нафар аҳоли бандлиги таъминланди.

«Уйчи тажрибаси» асосида 608 та учрашув ўтказилиб, 6 900 та мурожаат кўриб чиқилди ва ҳал қилинди. Натижада 12 600

та янги иш ўрни яратилди.

Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш доимий диққат марказимизда. Жорий йилда хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида 18 866 нафар аёлларга 919,8 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди. Банкимизга бириктирилган маҳаллаларда 1868 нафар тадбиркор аёлга 122,9 млрд. сўм миқдорда банк кредити йўналтирилди. Бунинг самараси ўлароқ, 3 862 та янги иш ўрни вужудга келди.

Умуман олганда Бизнесни ривожлантириш банки томонидан шу кунга қадар 7 трлн. 300 млрд. сўм кредит ажратилди. Тадбиркорларни ўқитиш жараёнига «Япония тажрибаси»ни татбиқ этишга ва бу борада Япониянинг ётақчи таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Ана шу мақсадда банкимиз ва Ямагата университети ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланган. Ўзаро келишув доирасида япониялик профессорлар билан ҳамкорликда 10 минг нафар тадбиркор «Бизнес портал» электрон платформаси орқали Япониянинг «u-hore» дастури асосида ўқитилди.

Япониялик мутахассислар ўқув дастурлари давомида муваффақиятли қатнашган тингловчилардан 24 нафар менторларни саралаб олди. Бу тингловчилар дастлаб Ўзбекистонда, кейинги босқичда Япониянинг Ямагата университетига ўз малакасини ошириди. Режага мувофиқ, ҳорижда малака ошириб қайтган ҳар бир ментор томонидан жами 296 нафар тренер тайёрланади. Тадбиркорларни ўқитиш жараёни кейинчалик мазкур менторлар томонидан ташкил қилинади.

Алоҳида таъкидлашни хоҳлардимки, муҳтарам Президентимизнинг банк хизматлари маҳалла даражасига олиб тушиш ташаббуси банк соҳаси ходимларини халққа янада яқинлаштирди. Энг муҳими, жорий этилган янгича тизим ўзининг дастлабки самараларини бера бошлади. Бу тизим самараси ўлароқ, ҳудудларда янги тадбиркорлик субъектлари вужудга келмоқда ва пировардида аҳоли учун қўшимча даромад манбалари пайдо бўлмоқда.

Кўрсатилган молиявий қўмақлар натижасида ўзини-ўзи банд қилган 18 284 нафар жисмоний шахслардан 12 794 нафари яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилди ва 5 490 нафари юридик корхона мақомини олди.

Дастурда иштирок этган 16 867 та яқка тартибдаги тадбиркорлардан 1 100 нафари масъулияти чекланган жамият сифатида давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ташаббускорларнинг лойиҳалари учун кредит маблағларини ажратиш жараёни ҳам рақамли технологиялар асосида соддалаштирилган.

Дастур орқали ташаббускорларга енгиллик яратиш мақсадида асосий жараёнлар электрон шаклга ўтказилган. Бундан ташқари, иштирокчиларга лойиҳаларни электрон рақамли имзо орқали масофадан тасдиқлаш имконияти яратилган. Бу эса тадбиркорларга қисқа вақт ичида ва шаффоф равишда кредит маблағларини ажратиш имконини бермоқда.

Видеоселектор йиғилишида Президентимиз томонидан берилган топшириқлар ва кўрсатмалар асосида ўз фаолиятимизни танқидий таҳлил қилиб, 2025 йил учун энг устувор вазифаларимизни аниқлаб олдик. Берилган топшириқларнинг сўзсиз ижросини таъминлаймиз. Бунинг учун имкони-

Саҳи АННАКЛИЧЕВ,  
«Бизнесни ривожлантириш банки»  
АТБ Бошқаруви раиси

**КўРСАТИЛГАН МОЛИЯВИЙ ҚўМАҚЛАР НАТИЖАСИДА ЎЗИНИ-ЎЗИ БАНД ҚИЛГАН 18 284 НАФАР ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН 12 794 НАФАРИ ЯҚКА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОР СИФАТИДА ДАВЛАТ РўЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ ВА 5 490 ТАСИ ЮРИДИК КОРХОНА МАҚОМИНИ ОЛДИ.**

ятларимиз ҳам, молиявий ресурсларимиз ҳам етарли.

Келгуси йилда жамоамиз қатта мақсадларни кўзламоқда. Бу даврда банкимиз томонидан барча манбалар ҳисобидан 10 трлн. 400 млрд. сўмлик кредитлар ажратишни режа қилганмиз.

Жумладан: «Бизнесга биринчи қадам» махсулотлари орқали 300 млрд. сўмдан ортиқ; «Маҳаллада бизнес» махсулотлари орқали 150 млрд. сўмдан ортиқ кредит ажратиш кўзланяпти.

Маҳаллабай ишлаш тизими доирасида 279 минг нафар аҳоли бандлигини таъминлаш режалаштирилди. Бунда 115 минг нафар аҳоли доимий ишга жойлаштирилади ва 164 минг нафари тадбиркорликка жалб қилинади.

Жойларда 1 300 та учрашув ўтказилиб, 25 900 та микролойиҳа амалга оширилади ва дастурлар доирасида 1 трлн. 400 млрд. сўмлик кредитлар ажратиш таъминланади.

Шунингдек, ташқи манбалардан 357 млн. АҚШ доллари миқдоридagi хорижий сармоя жалб қилинади.

Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда банкимизда миқдорга йўналтирилган «Микро, кичик ва ўрта бизнесга хизмат кўрсатишнинг янги операцион модели»ни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш бўйича ишлар бошланган. Ҳозир ОТБнинг «Инклюзив молия секторини ривожлантириш - молиявий воситачилик» дастури доирасида банкка 40 млн. АҚШ доллари миқдоридagi кредит линиясини жалб қилиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда. Бу кредит линияси очилса, кичик бизнесни қўллаб-қувватлашдаги молиявий имкониятларимизни оширади.

«Бизнесни ривожлантириш банки» камбағалликни қисқартириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янада фаол ва изчил давом эттиради. Шу кунларда банкимизга бириктирилган маҳаллаларда «Маҳалла банкирлари» фаолияти йўлга қўйилмоқда. Энди бу йўналишдаги ишларимизни янгича ёндашувлар асосида амалга оширамиз.

Келгусида ҳам кичик бизнес лойиҳаларига молиявий сармоялар йўналтириб, аҳоли бандлигини таъминлашга, қўшимча даромад манбаларини яратишга, фуқароларимизни кичик ва ўрта бизнесга жалб қилишга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар қиламиз.



Хизматлар лицензияланган



Чингиз Айтматов  
«Оқ кема» асарини  
асосида тайёрланган радио театрнинг  
тингланг!



Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти ташкилотлари Бухоро давлат университети ходимлар ва талабалар касаба уюшма кўмитаси раиси Бахтиёр Бадриддиновчи Қобилловга онаси  
**Меҳринисо ая**  
вафот этгани муносабати билан таъзия билдиради.



# Chiroyli raqamlar uchun chegirmalar

# 80%

## gacha



Aksiya 2024-yil 5-dekabrdan 2025-yil 28-fevralgacha amal qiladi.  
Batafsil ma'lumot [uztelecom.uz](http://uztelecom.uz) saytida

## Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси

юртимиз аҳлини, шу жумладан,  
эл саломатлиги йўлида  
сидқидилдан хизмат қилаётган  
тиббиёт ходимларини  
Янги йил байрами билан  
самимий табриклайди.

### 2025 ЙИЛ

барчангизга сўхат-саломатлик,  
оилавий хотиржамлик, яхшилик ва  
хурсандчилик келтирсин!  
Халқимиз саломатлиги йўлида  
қуну тун масъулият  
билан хизмат қилаётган  
азиз соҳа ходимларига ҳаммаша  
зафарлар ёр бўлсин!

## ТРАНСПОРТ, ЙЎЛ ВА КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ, ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

барча ватандошларимизни  
ва соҳа фидойиларини  
Янги йил билан самимий қутлайди.

Юртимизнинг гуллаб-яшнашига ўзининг  
муносиб ҳиссасини қўшиб, осмонўпар уй-жойлар  
ва замонавий иншоотлар барпо этаётган  
Сиз, азизларга барча хайрли  
ишларингизда омад ёр бўлсин.  
Қалбингиздан қувонч, дастурхонингиздан  
қут-барака ва оилангиздан  
шоду хуррамлик асло аримасин!

### 2025

## АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

Янги йил билан барчангизни  
чин қалбдан табриклайди.  
Юртимизни, хонадонимизни,  
кўнглимизни Янги йилдаги байрамона  
кайфият ҳеч қачон тарк этмасин!  
Қалбимиздан ширин хотиралар билан  
кетаётган ушбу йилда кўрган яхши  
қунларимиз остонамизда турган  
Янги йилда ҳам бардавом бўлсин.

### 2025

Янги йил  
муборак бўлсин,  
азизлар!

## «САЁҲАТ САРИ» унитар корхонаси жамоаси

меҳмондўст халқимизни, шунингдек,  
касаба уюшмаси тизимида меҳнат  
қилаётган барча ишчи-ходимларни

### ЯНГИ – 2025 ЙИЛ

билан қутлайди.

Юрдошларимизга тинчлик-  
хотиржамлик, яхши кайфият ва  
мустаҳкам соғлиқ тилаймиз.

### 2025

Байрам шуқуҳи йил давомида  
ҳамроҳингиз бўлсин!

## Қирғизистондан мактуб

# АДАБИЁТЛАР ДЎСТЛИГИ —

## ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИ ЁРИТУВЧИ КУЧ



Маълумки, дунё муттасил ўзгариб бораётган бугунги кунда ўта ривожланган, иқтисодий жиҳатдан бақувват, қўлини қай томонга узатса, бемалол етадиган давлат ҳам бошқа мамлакатлар билан манфаатли ҳамкорликсиз, илмий-техникавий, маданий-маърифий алоқаларсиз яшай олмайди. Шу боис кейинги йилларда туркий тилли давлатлар, жумладан, Ўзбекистон ва Қирғизистон раҳбарларининг ўзаро учрашувларида мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қамровли алоқаларни янада кучайтириш, илдизлар бир халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, яхши кўшничлик ришталарини янги сифат босқичга кўтариш ва амалий натижалар билан бойитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу янги сиёсат самаралари ҳар икки томоннинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида, одамларнинг дунёқараши ва турмуш тарзида яққол кўзга ташланаётган. Мухим аҳамиятга молик битим ва келишувлар имзолангани, чегаралардаги сунъий тўсиқлар олиб ташлангани, икки мамлакатда ҳам таъши инвесторлар учун ҳуқуқий жиҳатдан қафолатланган ишончли муҳит юзга келгани ўзаро алоқаларга янги алоҳида маъно-мазмун бахш этаётган. Ўзбекистон раҳбарининг давлат - жамият - шахс муносабатларида инсон ва унинг манфаатлари устуңлигига эришиш лозимлиги ҳусусидаги кўрсатмалари Марказий Осиёнинг бошқа давлатларида ҳам ижобий акс-садо берди.

Кейинги йилларда ўзбек ва қирғиз тадбиркорлари сингари ижодкор зиёлиларнинг ҳам ўзаро учрашувлари, Тошкент ва Бишкекда ўтказилаётган маданият кунлари, кино ва театр фестиваллари ёш авлод тарбиясида жуда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, ўзбек ва қирғиз тилидаги бадиий асарлар ўзаро таржима қилинаётгани, Тошкент, Бухоро ва Бишкек театрлари сахнасида янги драматик асарлар қўйилаётгани қувонарли ҳолдир. Ўзбек ва қирғиз ёзувчилари, ёш ижодкорларнинг ҳамкорлигидан адабиёт ихлосмандлари мамнундирлар.

Ўзбек ва қирғиз адабий алоқалари XIX асрдаёқ ривожлана бошлагани тарихдан яхши аён. Қўқон хони Муҳаммад Алихон ўша асрининг 20-йиллари ўрталарида ташқи душмандан муҳофазаланиш учун ҳозирги Бишкек, Тўқмоқ, Қораболта шаҳарлари ўрнида мустаҳкам қалъалар қурдирган. Қирғиз ёшлари учун мактаблар очилган, мадрасаларда таълим тизими йўлга қўйилган. Машҳур манасчи Соғимбой Ўрозбаков ўзбек муллеси қўлида савод

чиқарган. Андижон, Наманган мадрасаларида ўзбеклар билан бирга қирғиз талабалари ҳам ўқишган. XIX аср охирида ўзбек уламоси Шоқир домланинг шоғирдлари орасидан Алдаш мулла, Мулла Ниёз, Мулла Қилич, Тўғалоқ мулла, Нурмулла, Ўсмонали Сидиқ ўғли, Исоқ Шайбеков, Абулқосим Жутақеев каби ўнлаб ёзма адабиёт вакиллари етишиб чиққани манбаларда қайд этилади. XX аср бошларига келиб, кўп-

Илёс Муслим, Қодир Аҳмадий таржумасида ўзбек ўқувчилари қўлига етиб боради.

Ундан кейинги йилларда қирғиз адабиётининг мумтоз вакили Тўқтағулга бағишланган тўпламлар, С.Эрзаевнинг «Тоғлар фарзандиман», Темиркул Уметалиевнинг «Тўғай навоси», С.Жусуевнинг «Довон» шеърлар тўпламлари, Тўлаган Қосимбековнинг «Синган қилич» романи (Турсунбой Адашбоев таржумасида) кўп нусхада нашр этилди. Болалар учун тартиб берилган «Бир қалпоқ олтин», «Сехрлар билан бола» сингари эртак китоблар жажжи ўқувчиларга яхши соғва бўлди. Бугун бу китоблар ёнига Тугалбой Сидиқбековнинг «Кўк ялов» тарихий романи (Улуғбек Абдусаломов таржумаси), Султон Раевнинг роман ва ҳикоялардан иборат тўплами (таржимонлар А. Мелибоев, З. Исомиддинов) қўшилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси хомийлигида ўтказилаёт-

Улуғ ёзувчи Чингиз Айтматов бугун умрини икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга бағишлади, десак, муболаға бўлмайди. У ўзбекистонлик адиблар билан туғишган оға-инилардек дўстлашди, миллат шаънига тўхмат тошлари отилганида, собиқ тузумнинг энг баланд минбаридан туриб, халқимизни химоя қилди. Ижодкор дўстларининг ютуқларидан қувониб, уларга мактублар ёзди. Чингиз оғанинг «Улуғбек хазинаси» романи ҳусусида устоз Одил Ёқубовга ёзган мактубида шундай сатрлар бор:

«Улуғбек мен учун фақат ўрта асрда яшаб ўтган тенгасиз аллома сифатидагина эмас, шу билан бирга, бизнинг тарихимизда, улуғ туркий аجدодларимиз орасида фавқуллоҳда мураккаб ва жуда оғир кулфатларни ўз юрагидан ўтказган ёрқин сиймолардан бири сифатида ҳам буюқдир. Ҳар қандай даврнинг, ҳатто энг маърифатли замонларнинг ҳам ўз Улуғбеклари - ўтган оғир кулфат ва шунга яраша сабот ва матонат намунаси бўлмаганида эди, у аллома сифатида бундай эътибор топмас ва уни тор доирадаги мутахассислардан ўзга ҳеч ким билмасди. Агар шундай бўлса, жаҳон адабиётида бундай даҳоларнинг тирик сиймоси яратилмас, демаски, Шекспир, Гёте, Томас Манн ва ҳатто Толстой ҳам бундай юксакликка кўтарилма олмасди».

– Ўзбекистонда менинг асарларим асосида ўндан ортиқ спектакллар намойиш этилгандан фахрланиб юраман, – деб ёзган эди таниқли драматург Мар Бойжиев. – Бугун биз Ўзбекистонда бўлаётган ажойиб ўзгаришларни, мамлакат дунё кенгликларига янада дадил кириб бораётганини, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган чинакам халқчил сиёсатни ҳавас билан қузатиб бормоқдамиз. Улуғ миллатдошимиз Чингиз Айтматовга бўлган ҳурмат-эътибордан гоёйда мамнунмиз.

Шу ўринда ўзим шахсан гувоҳ бўлган бир-икки воқеага тўхталиб ўтмасам бўлмас. Мен Қирғизистоннинг жануби - ўзбек ва қирғизлар азалдан ёнма-ён яшайдиган Оқ-

сув туманида туғилганман. Салобатли Ўнғор ва Бўзпи тоғлари, мовий Саричелек қўли, арчазор ва ноёб гиёҳзорлар, Олабуқасой ва Початасойнинг шарқироқ сувлари, зилол булоқлар кўзни қамаштиргудек манзара касб этган. Бу ерга келиб, чўпонлар ўтовидида салқинланган киши Оқсувни, унинг меҳмондўст одамларини кўп йиллар эслаб юради. Минг йиллик тарихга эга Сафед Булон қишлоғидан жуда кўп таниқли инсонлар етишиб чиққан. Шу боис биз томонларга Ўзбекистондан кўплаб меҳмонлар келишади. Ўзбек ва қирғиз тилларида тенг ижод қилган Турсунбой Адашбоев, таниқли публицист Аҳмаджон Мелибоев, ёш олим Одилжон Олимжонов, журналист Аҳрор Аҳмедовларни йўқлаб келган ижодкорлар орасида Ўткир Хошимов, Ҳабиб Саъдулла, Тоҳир Малик, Азим Суюн, Мухтор Худойқулов, Зиёвуддин Мансур каби таниқли ёзувчилар борлигидан хурсанд бўлганмиз.

Бунга қўшимча, бизнинг Оқсув туманимизга ўзбекистонлик санъаткорлар ҳам кўп бор келишган, узок вақт ёдда қоладиган учрашувлар ўтказишган. Машҳур миниатюрчи Эргаш Каримов яқин дўстлари билан Оқсувга келганида, улар билан бирга юриб, аския, хангомаларни шунақа иштиёқ билан тинглаганманки, эласам, ҳали-ҳануз кайфиятим кўтарилди. Ўшанда меҳмонлар менга «Саид Аҳмад сафарда» деб номланган ҳажвий китобни соғва қилишган. Мен шу китобдан жой олган ҳаётини хангомаларнинг бир нечасини қирғиз тилига таржима қилганман. Мана энди, менинг бир неча ҳикояларим ўзбек тилида «Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилинди.

Хулоса ўрнида айтишим керакки, адабиётлар дўстлиги ҳамиша халқларни бир-бирига яқинлаштириб келган, икки томонлама манфаатли алоқалар кучайишига хизмат қилган. Бу улуғ жараёнда фаол иштирок этиш ижодкор зиёлиларнинг муҳим маънавий бурчи ҳисобланади. Шу бурчга ҳамиша содиқ қолайлик.

Абдимому ҚАЛБАЕВ,  
қирғиз ёзувчиси

Қирғиз Республикаси,  
Жалолобод вилояти,  
Оқсув тумани.

ЎЗБЕКИСТОНДАН КўПЛАБ МЕҲМОНЛАР КЕЛИШАДИ. ЎЗБЕК ВА ҚИРҒИЗ ТИЛЛАРИДА ТЕНГ ИЖОД ҚИЛГАН ТУРСУНБОЙ АДАШБОВ, ТАНИҚЛИ ПУБЛИЦИСТ АҲМАДЖОН МЕЛИБОВ, ЁШ ОЛИМ ОДИЛЖОН ОЛИМЖОНОВ, ЖУРНАЛИСТ АҲРОР АҲМЕДОВЛАРНИ ЙўқЛАБ КЕЛГАН ИЖОДКОРЛАР ОРАСИДА ЎТКИР ХОШИМОВ, ҲАБИБ САЪДУЛЛА, ТОҲИР МАЛИК, АЗИМ СУЮН, МУХТОР ХУДОЙҚУЛОВ, ЗИЁВУДДИН МАНСУР КАБИ ТАНИҚЛИ ЁЗУВЧИЛАР БОРЛИГИДАН ХУРСАНД БЎЛГАНМИЗ.

лаб қирғиз талабалари Тошкентда билим олишади. Адабий алоқалар йил сайин ривожланиб боради. Қирғизистон халқ ёзувчиси Аали Тўқонбоев Алишер Навоий ҳақида илмий мақола ёзиб, «Лайли ва Мажнун» достонини қирғизчага ўғирган таржимонларга бош-қош бўлади. Устоз Миртемир улкан «Манас» эпосининг биринчи қисмини маҳорат билан ўзбекчага таржима қилади. 1934 йили Илёс Муслим қирғиз носирни Қосимали Боялиннинг «Ҳожар» киссасини ўзбек тилига ўғиради. Атоқли адиб Тугалбой Сидиқбековнинг «Замонамиз кишилари», «Тоғ болалари», «Тоғлар орасида» номли учта романи

ган адабий тадбирларда қирғизистонлик ижодкорлар ҳам иштирок этишмоқда.

Қирғиз бадиий сўз санъатининг ўзбек хонадонларига кириб келишида «Манас» эпоси ҳамда улуғ ёзувчи Чингиз Айтматов асарларининг ўрни катта. «Манас» эпоси қисқартирилган вариант тарзида 1958 йили ilk бор уч жилд ҳажмида нашр этилган. Бу тарихий ёдгорликни кейинчалик ўзбек тилига ўғиришда меҳнат қилган Миртемир, Султон Акбарий, Турсунбой Адашбоев, Зухриддин Исомиддиновларнинг хизматларини алоҳида эътироф этиш зарур.

Озодбек Назарбеков ижросида

«Ай баратат» қўшиғи

Рақсида «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли

Азиз газетхон!  
Мароқли дам олинг!



Ак булутту аралап ай баратат.  
Акжу болуп колдогу жай баратат.  
Аталбайсын аккууну оной менен,  
Жеталбайсын айга да жел ой менен.

МУАССИС:



ISSN 2010-1000  
2007-йил  
11-январда  
Ўзбекистон  
Matbuot va axborot  
agentligida 116-raqam  
bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va  
«Ishonch-Доверие»  
gazetalari  
tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV  
(tahrir hay'ati raisi),  
Ulug'bek JALMENOVI,  
Anvar ABDUMUXTOROV,  
Sayfullo AHMEDOV,  
Akmal SAIDOV,  
Ravshan BEDILOV,  
Qutlimurot SOBIROV,  
Suhrob RAFIQOV,  
Shoqosim SHOILOMOV,  
Hamidulla PHIRIMQULOV,  
Nodira G'OIYIBNAZAROVA,  
Anvar QULMURODOV  
(Bosh muharrirning  
birinchi o'rinbosari),  
Mehridin SHUKUROV  
(Mas'ul kotib - «Ishonch»),  
Valentina MARSENYAK  
(Mas'ul kotib - «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir  
Husan ERMATOV

Bo'limlar:  
Kasaba uyushmalari hayoti -  
(71) 256-64-69  
Huquq va xalqaro hayot -  
(71) 256-52-89  
Milliy-ma'naviy  
qadriyatlar va sport -  
(71) 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar  
bilan ishlash -  
(71) 256-85-43  
Marketing va obuna -  
(71) 256-87-73

Hududlardagi  
muxbirlar:

Qoraqalpog'iston  
Respublikasi -  
(+998-99) 889-98-20  
Andijon viloyati -  
(+998-99) 889-90-23  
Buxoro viloyati -  
(+998-99) 889-90-31  
Navoiy viloyati -  
(+998-99) 500-05-12  
Jizzax viloyati -  
(+998-99) 889-90-34  
Namangan viloyati -  
(+998-99) 889-98-02  
Samarqand viloyati -  
(+998-99) 889-90-26  
Sirdaryo viloyati -  
(+998-99) 889-98-55  
Surxondaryo viloyati -  
(+998-99) 379-19-70  
Toshkent viloyati -  
(+998-99) 600-40-44  
Farg'ona viloyati -  
(+998-99) 889-90-24  
Xorazm viloyati -  
(+998-99) 889-98-01  
Qashqadaryo viloyati -  
(+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda  
manba sifatida gazeta nomi  
ko'rsatilishi shart.  
Muallif fikri tahririyat  
nuqtai nazaridan  
farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:

A. Haydarov

Musahhihlar:

D. Xudoyberganova,  
D. Ravshanova

Sahifalovchi:

H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti - 03:30  
Topshtirildi - 03:50

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz:  
100165, Toshkent shahri,  
Buxoro ko'chasi, 24-uy.  
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba,  
payshanba va shanba  
kunlari chiqadi.  
Gazeta «Ishonch»ning  
kompyuter markazida  
teriladi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi  
35 010 ta

Shundan:

7 128 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasi  
bosmaxonasi -  
Toshkent shahri,  
Buyuk Turon ko'chasi,  
41-uyda;

19 083 nusxasi

«Erudi» MCHJ  
bosmaxonasi -  
Samarqand shahri,  
Spitameno ko'chasi,  
270-uyda;

8 799 nusxasi

«Poligraf-Press»  
MCHJ bosmaxonasi -  
Marg'ilon shahri,  
Turkiston ko'chasi,  
236-«b» uyda  
chop etildi.

Gazeta ofset usulida,  
A2 formatida bosiladi.  
Hajmi 4 bosma taboq.  
Buyurtma G-1211

1 2 3 4 5 6